

**ДАВРИЙ НАШРЛАРНИ ОБУНА БЎЙИЧА ҲАМДА «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»  
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ, УНИНГ  
ШУЪБА КОРХОНАЛАРИ ВА УНИНГ ТАРКИБИГА  
КИРУВЧИ ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ЧАКАНА  
САВДО ТАРМОҒИ ОРҚАЛИ ТАРҚАТИШ  
ҚОИДАЛАРИ**

**ПРАВИЛА  
РАСПРОСТРАНЕНИЯ ПЕРИОДИЧЕСКИХ ИЗДАНИЙ  
ПО ПОДПИСКЕ И ЧЕРЕЗ РОЗНИЧНУЮ ТОРГОВУЮ СЕТЬ  
АКЦИОНЕРНОЙ КОМПАНИИ «МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ»,  
ЕЕ ДОЧЕРНИХ ПРЕДПРИЯТИЙ И ОБЕСТВ, ВХОДЯЩИХ В ЕЕ СОСТАВ**

---

Жорий этиш санаси \_\_\_\_\_

## **1. Қўллаш соҳаси**

Ушбу қоидалар даврий нашрларни обуна бўйича ва «Матбуот тарқатувчи» АКнинг чакана савдо тармоғи орқали тарқатиш тартибини белгилайди.

Ушбу қоидалар даврий нашрларни обуна бўйича ва чакана савдо тармоғи орқали тарқатишни ташкил этиш қисмида «Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компаниясининг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятларга тааллуқлидир.

## **2. Атамалар ва таърифлар**

Ушбу қоидаларда куйидаги атамалар тегишли таърифлари билан қўлланилган:

2.1. Тарқатишнинг манзили тизими: даврий нашрлар тарқатувчи (таҳририят) томонидан почта жўнатмалари билан бевосита обуначиларнинг манзиллари бўйича юбориладиган тартиб.

2.2. Даврий нашрларга обунани бекор қилиш: обуначига пулларни мажбурий равишда қайтарган ҳолда даврий нашр тўпламини элтиб бериш бўйича олди-сотди шартномасини ва хизмат кўрсатишни бекор қилиш.

2.3. Тарқатишнинг варақчали тизими: даврий нашрлар тарқатувчи томонидан оралик ишлов бериш пунктларига бундан кейинги саралаш ва обуначиларнинг манзиллари бўйича элтиб бериш учун юбориладиган тартиб.

2.4. Каталог: Маълум тарқатувчи томонидан тузилган даврий нашрлар номларининг рўйхати.

2.5. Каталог бўйича баҳоси: таҳририятлар (нашриётлар) томонидан даврий нашрларга белгиланган баҳолардан, обуналар, даврий нашрларни экспедиция қилиш ва марказлашган жўнатиш учун тарқатувчиларнинг тарифларидан ташкил топган баҳо.

2.6. Сотиш баҳоси: «Матбуот тарқатувчи» АКнинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятлар чакана савдо тармоғи орқали сотиш учун ундан оладиган даврий нашрлар баҳоси.

2.7. Даврий нашрларни обуна бўйича қайта манзиллаш: даврий нашрларнинг олинадиган янги манзили бўйича обунани қайта расмийлаштириш.

2.8. Даврий нашрлар: бир йилда икки ва ундан кўп сон даврийлик билан нашр қилинадиган газеталар, журналлар, уларга иловалар, ахборот-маълумотнома нашрлар, дайджестлар, плакатлар, норматив ва қонун ҳужжатлари тўпламлари, рисоалар.

2.9. Босма маҳсулот: таҳририятлар (нашриётлар) маҳсулоти (китоблар, даврий нашрлар ва б.).

2.10. Обуна: маълум вақт даври мобайнида чиқаришга мўлжалланаётган даврий нашр тўпламини расмийлаштириш, элтиб бериш (топшириш) бўйича олди-сотди ва хизматларни кўрсатиш шартномаси.

2.11. Обуна баҳоси: каталог бўйича баҳоси ва тарқатувчиларнинг даврий нашрларга ишлов бериш, магистрал ва вилоят ичи йўналишлари бўйича жўнатиш, даврий нашрларни

обуначи томонидан кўрсатилган манзилга элтиб бериш ва топшириш тарифларидан ташкил топган баҳо.

2.12. Обуначи: даврий нашрга обунани расмийлаштирган жисмоний ёки юридик шахс.

2.13. Даврий нашрларга обунани қабул қилиш: даврий нашр комплекти олди-сотди шартномасини тузиш ва чек ёки МТ-1 шаклдаги абонементни ёхуд обуна фактини ва муддатини, даврий нашр номи ва уни олиш манзилини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатни бериш билан уни элтиб бериш бўйича хизматга ҳақ тўлаш.

2.14. Даврий нашрларни обуна бўйича тарқатиш: даврий нашрларга обунани қабул қилиш, буюртмаларни йиғиш, тузиш ва уларни қайта ишлаш, уларни экспедиция қилиш, магистрал ва вилоятлар ичида ташиш, элтиб бериш ёки даврий нашрлар тиражини беришда таҳририят, ношир, тарқатувчи ва обуначи ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг тартиби ва шартлари.

2.15. Даврий нашрларни чакана савдо бўйича тарқатиш: даврий нашрларга буюртмани аниқлашда, экспедиция қилишда, магистрал ва вилоят ичида ташишда, сотишда таҳририят, ношир, тарқатувчи ва харидор ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг тартиби ва шартлари.

2.16. Даврий нашрларни обуна бўйича тарқатувчи: таҳририят, ношир билан шартнома бўйича ёки бошқа қонуний асосларда шартномада белгиланган вақт даври мобайнида даврий нашрлар комплектини элтиб бериш ёки топшириш бўйича хизматларни кўрсатувчи юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор.

2.17. Даврий нашрларни чакана савдо орқали тарқатувчи: таҳририят, ношир билан шартнома бўйича ёки бошқа қонуний асосларда харидорларга савдо тармоғи орқали шартнома билан белгиланган вақт даври мобайнида даврий нашрларни сотиш бўйича хизматларни кўрсатувчи юридик шахс ёки якка тадбиркор.

2.18. Таҳририят (нашриёт): босма маҳсулотни тайёрлаш ва чиқариш билан шуғулланувчи муассаса.

2.19. Чакана савдо: савдо соҳасида якуний истеъмол учун, ундан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқисиз аҳолига товарларни доналаб ёки кўп бўлмаган миқдорларда нақд пулга сотишни назарда тутувчи фаолиятни амалга ошириш.

2.20. Чакана баҳо: даврий нашрлар харидорларга савдо тармоғи орқали сотиладиган баҳо.

### 3. Умумий қоидалар

3.1. Даврий нашрлар обуна бўйича ва чакана савдо тармоғи орқали тарқатилади.

+ар бир сони қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган даврий нашрлар тарқатиш учун қабул қилинади:

- а) даврий нашрнинг номи;
- б) таҳририятнинг манзили;
- с) муассис (муассислар)нинг номи;
- д) муҳаррирнинг (бош муҳаррирнинг) фамилияси, исми, шарифи;
- е) даврий нашрнинг рўйхатга олинган тартиб рақами ҳамда босилиб чиққан санаси, газеталарнинг эса, чоп этишга рухсат берилиб, имзо қўйилган вақти;
- ф) даврий нашр индекси, адади;
- г) босмаҳонанинг номи ва манзили;

3.2. Мавжуд конституцион тузумни, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий бутлигини зўравонлик билан ўзгартиришга даъват этиш, уруш ва зўравонликни, шавқатсизликни, миллий, ирқий ва диний ихтилофларни тарғиб қилишни ўз ичига олган даврий нашрларни порнографик характердаги ва бошқа нашрларни қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатиш учун қабул қилинмайди.

### 4. Даврий нашрларни обуна бўйича тарқатиш

4.1. Таҳририятлар ёки унинг топшириғига кўра нашриётлар чиқарилган даврий нашрларни обуна бўйича тарқатиш тўғрисида тарқатувчилар билан шартнома тузадилар. Шартномада даврий нашрларни тарқатиш тартиби ва шартлари, талабнома бўйича унинг обуна адади ва босиб чиқариш жадвали белгиланади, томонлар жавобгарлиги ва низоли масалаларни ҳал этиш тартиби баён этилади.

4.2. Обуна шартлари (нашр ҳажми, чиқиш даврийлиги, минимал ва максимал обуна даврлари) таҳририятлар (нашриётлар) томонидан белгиланади.

4.3. Обунани қабул қилиш жойлари, обуна ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби, обунани қабул қилиш ва даврий нашрларга буюртмалар бериш муддатлари тарқатувчи томонидан белгиланади.

4.4. Даврий нашрларга обуна қилиш шартлари ва тартиби аҳолига таҳририятлар (нашриётлар), тарқатувчилар томонидан оммавий ахборот воситалари орқали, шунингдек обуна бошлангунга қадар ва обуна даврида реклама ёрдамида маълум қилинади.

4.5. Даврий нашрларга обуна куйидагича қабул қилинади:

а) нақд пул ҳисобига - аҳоли ва вақтли нашрларни жамоатчи тарқатувчиларидан (якка тартибдаги);

б) нақд пулсиз - корхоналар, муассасалар, ҳарбий қисмлар ва бошқа ташкилотлардан жамоа бўлиб ва хизматда фойдаланиш учун (идоравий).

4.6. Даврий нашрларга обуна ўзларининг бош корхоналаридан олинган каталогларга мувофиқ, киоскаларда ва обунани қабул қилиш пунктларида қабул қилинади.

Обунани қабул қилиш пунктларида фаолият профили, агар номи бўлса унинг номи, иш тартиби, бош корхонанинг манзили ва мулоқот учун телефон рақами кўрсатилган пештахталар бўлиши керак.

Обунани қабул қилиш пунктларининг иш тартиби бош корхона томонидан белгиланади.

Газета ва журналлар бўйича алоҳида тузилган каталогда, даврий нашрнинг номи ва индекси, обуна баҳоси кўрсатилади.

4.7. Даврий нашрларга обуна баҳоларини белгилаш, таҳририятлар (нашриётлар) ва тарқатувчилар билан биргаликда амалга оширилади.

Каталог ва обуна баҳоларини тақсимлаш ҳолларида, каталог бўйича баҳолар таҳририятлар (нашриётлар)нинг тарифларидан ва тарқатувчиларнинг тарифларидан олинади, обуна баҳосини белгилашда эса жойларда тарқатувчилар каталог баҳосига ишлов бериш, обуначиларга даврий нашрларни жўнатиш, элтиб бериш ёки топшириш учун ўз ҳаражатларини қўшадилар.

4.8. Обуна икки қисмдан ташкил топган, абонемент ва элтиб бериш варақчаси МТ-1 шаклдаги ягона бланкда расмийлаштирилади. Обуначи томонидан тўлдирилган МТ-1 шаклдаги бланкни текшириб ва ундан пулни олиб, обунани қабул қилиш пунктининг ходими МТ-2 шаклдаги квитанция ёзиб беради. Абонемент ва квитанция обуначига берилади. Квитанциянинг рақами абонемент ва элтиб бериш варақчасига қўйилади.

Идоравий обуна бўлишда, ташкилотлар «Матбуот тарқатувчи» АКга ёки унинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятларга ҳар бир даврий нашрнинг номига МТ-1 шаклдаги абонемент иловалари билан бирга МТ-16 шаклдаги махсус бланкларда икки нусхада тузилган талабномалар берадилар ва шартномалар тузадилар.

Обунага ташкилотлардан пул суммалари ўтказилганидан кейин, абонементлар элтиб бериш варақчаларидан ажратилади ва ташкилотларга берилади.

4.9. Элтиб бериш варақчалари санаб чиқилади ва якуний маълумотлар (ҳар бир даврий нашрнинг номига) МТ-5 шаклдаги варақчага ёзиб қўйилади. МТ-5 шаклдаги тўлдирилган варақчалар индексларнинг ўсиб бориши бўйича гуруҳларга ажратилади. Биттадан ортиқ МТ-5 шаклдаги варақчалар мавжуд бўлганда ҳар бир индекс бўйича МТ-5 шаклдаги йиғма варақча тузилади. МТ-5 шаклдаги варақчаларнинг ҳар бир гуруҳи учун МТ-6 шаклдаги буюртма тузилади. Ушбу буюртмага кирувчи барча МТ-5 шаклдаги варақчалар МТ-6 шаклга илова қилинади, индекслар ва ҳар бир индекслар бўйича суммалар ёзилади.

МТ-5 шаклдаги варақча икки нусхада тузилади, улардан бири МТ-6 шакл билан бирга «Матбуот тарқатувчи» АКга юборилади, иккинчи нусха буюртма тузувчи корхонада қолади. МТ-6 шакл уч нусхада тузилади, улардан иккитаси «Матбуот тарқатувчи» АКга юборилади, биттаси буюртма тузувчи корхонада қолади.

Буюртмаларга ишлов беришда «Матбуот тарқатувчи» АК МТ-5 шаклга ва МТ-6 шаклга, зарур бўлса тузатишлар киритади. Буюртмаларга ишлов берилганидан кейин МТ-6 шаклнинг бир нусхаси тузатишларсиз ёки киритилган тузатишлар билан буюртма тузувчи корхонага қайтариб юборилади.

Қайтариб юборилган МТ-6 шаклдаги буюртма, нуқсонли қайднома ва буюртманинг қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

4.10. «Матбуот тарқатувчи» АКдан келиб тушган буюртмаларга мувофиқ тахририятлар (нашриётлар) уни даврий нашрлар билан таъминлайдилар.

4.11. «Матбуот тарқатувчи» АК, унинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятлар элтиб бериш жадвалида белгиланган муддатларда обуначига даврий нашрларни элтиб берилишини таъминлайдилар.

Даврий нашрларни Ўзбекистон Республикасининг вилоят марказларигача ташиш тартиби ва тури «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг «Халқаро почта» филиали (бундан буён – «Халқаро почта» филиали) томонидан тузиладиган жўнатиш режаси билан белгиланади, «Матбуот тарқатувчи» АК раҳбарияти билан келишилади ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Бош директори томонидан тасдиқланади.

Буюртмалар асосида тарқатувчи экспедицияга юбориладиган саралаш жадвалини тузади. Экспедицияларда саралаш жадваллари асосида 33-шаклдаги юкхат тузилади, улар бўйича даврий нашрлар келгусида белгиланган жойга жўнатиш учун сараланади, манзил ёрликлари билан қопга жойлаб тикилади (Тошкент шаҳри учун қопга жойланмайди).

Элтиб бериш варақчалари асосида «Матбуот тарқатувчи» АК, унинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятлар даврий нашрларни обуначиларга элтиб беришни ташкил қиладилар.

Даврий нашрларни обуначига элтиб бериш муддатларини назорат қилиш учун алоҳида даврий нашрларга элтиб беришнинг назорат муддатлари белгиланиши мумкин.

4.12. Тарқатувчи даврий нашрларга обунани қабул қилиш ва уларни обуначига элтиб беришда обуначининг розилиги билан (тасдиқланган тарифлар мавжуд бўлганда) алоҳида тўлов бўйича қўшимча хизматлар кўрсатиши мумкин (даврий нашрларни сарлаш, обуначи учун обуна хужжатларини тўлдириш, обуна бўйича даврий нашрларни қайта манзиллашни амалга ошириш, обунани қабул қилиш учун тарқатувчини уйга чақириш ва бошқалар).

4.13. Ёзилган даврий нашрларни қайта манзиллаш обуначининг хоҳишига кўра куйидаги тартибда расмийлаштирилади. Даврий нашрларни қайта манзиллаш обунани қабул қилиш пункти ходими томонидан амалга оширилади, МТ-19 шаклдаги бланк тўлдирилади. Қайта манзиллаш фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги аҳоли пунктларига, даврий нашрнинг ёзилган муддати тугагунига қадар, амалга оширилади.

+арбий қисмлар манзилига, уй манзилидан ҳарбий қисм манзилига; идоровий қабул қилинган обуна - якка тартибдаги обуначилар манзилига. Агар обунанинг минимал муддати тугаган бўлса, газета ва журналлар учун обуна қайта манзилланмайди.

4.14. Обуначининг аризасига кўра ёки обуначига элтиб бериладиган даврий нашрни босмадан чиқариш тўхтатилганда, обуна бекор қилиниши мумкин.

Агар обуначи доимий яшаш жойини ўзгартирганда обунани қайта манзилламаган ёки обунани бекор қилмаган бўлса, обуна автоматик тарзда бекор қилинади ва унинг сабаби обуначига хабар қилинади.

Тахририят (нашриёт) ташаббуси бўйича обуналарни бекор қилиниши, фақат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилиши мумкин.

## **5 Даврий нашрларни чакана савдо тармоқлари орқали тарқатиш**

5.1. Ушбу қоидалар «Матбуот тарқатувчи» АК, унинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятларнинг чакана савдо тармоғи ишини ягона тартибда ташкил этишни кўзда тутди.

Марказий (республика) ва хорижий газета, журналларни чакана савдо бўйича асосий тарқатувчи ва элтиб берувчи «Матбуот тарқатувчи» АК ҳисобланади.

5.2. Тахририятлар (нашриётлар) билан тузилган шартномалар шартларига боғлиқ ҳолда, чакана савдога тарқатиш учун даврий нашрларни бериш (сотиш) сотиш баҳоси ёки чакана савдо баҳолари бўйича амалга оширилади.

5.3 Чакана савдо тармоғини куйидагилар ташкил этади: «Матбуот тарқатувчи» АК, унинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига курувчи жамиятлар балансида бўлган магазинлар, киоскалар, столлар – прилавкалар (савдо дўкончаси), кўчирилдиган махсус столлар ва қўл аравалари, автоматлар ёки газета ва журналларни сотиш учун бошқа мосламалар.

Шунингдек, чакана савдо тармоғига дам олиш уйлари, санаториялар, шифохоналар, мактаблар, аэропортлар, темир йўл ва автомобил вокзаллари, бозорлар ҳамда бошқа корхона ва муассасалар ҳудудидаги даврий нашрларни сотиш учун ижарага олинган бинолар киради.

5.4. Даврий нашрларни сотиш учун тузилган шартномага мувофиқ алоқа бўлими, почтаамтнинг операция залида, почтальонлар ва бошқа жисмоний ва юридик шахслар орқали амалга оширилиши мумкин.

5.5. Киоскалар (дўконлар) якка тартибдаги тадбиркорларга ижарага берилиши мумкин. Ижарага берилган «Матбуот» киоскалари (дўконлари)да ижтимоий аҳамиятга эга нашрларни сотиш мажбурий ҳисобланади.

5.6. Якка тартибдаги тадбиркорлар чакана савдо билан фақат «Матбуот» киоскалари (дўконлари) жойлашган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимликларидан чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат этиш гувоҳномасини олган тақдирда шуғулланишлари мумкин.

Чакана савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат этиш гувоҳномасини олиш учун якка тартибдаги тадбиркор «Матбуот» киоскалари (дўконлари) жойлашган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимлигига қуйидагиларни тақдим этиши керак:

а) якка тартибдаги тадбиркор - чакана сотмоқчи бўлган товарлар гуруҳи кўрсатилган ариза;

б) жисмоний шахсининг юридик шахс бўлмасдан тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

с) якка тартибдаги тадбиркорда чакана савдо фаолиятини амалга ошириш учун моддий-техник базанинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;

д) чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун маҳаллий йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатининг нусхаси.

5.7. Рухсат этиш гувоҳномаси фақат якка тартибдаги тадбиркор томонидан, унинг чакана савдони амалга ошириш тартиби, савдо қоидалари, чакана савдо соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарлик чоралари билан танишлигини ёзма равишда тасдиқлангандан кейин берилади.

5.8. Рухсат этиш гувоҳномаси аризада кўрсатилган, лекин бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

Рухсат этиш гувоҳномаси савдо қоидаларининг бузилиши аниқланганда давлат солиқ хизмати органлари тақдимномасига кўра қайтариб олиниши мумкин.

5.9. +ар бир савдо нуқтасига рақам берилади. Уларнинг жойлашиши +окимликлар билан келишилади, киоскалар (дўконлар)нинг иш тартиби, савдо нуқтасини рентабеллигини таъминланишини ҳисобга олиб, «Матбуот тарқатувчи» АК, унинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятлар томонидан белгиланади.

Аэропортларда, темир йўл ва автомобил вокзалларида жойлашган киоскаларнинг иш тартиби самолётлар, поездлар, автобусларнинг ҳаракатланиш жадвалини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Дам олиш уйлари, санаториялар, шифохоналар, мактаблар, аэропортлар, темир йўл ва автомобил вокзаллари, бозорлар ҳамда бошқа корхоналар ва муассасалар ҳудудида жойлашган киоскаларнинг иш тартиби, уларнинг маъмурияти билан келишувга кўра белгиланади.

5.10. «Матбуот тарқатувчи» АК, унинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятлар балансида ҳисобланган киоскалар (дўконлар) олд томонида фирмали «Матбуот» пешлавҳасига, газета ва журналларни сотувчи автоматлар ва кўчма савдо воситалари эса фирмали «Матбуот» наъмунавий ёзувига эга бўлиши керак.

Киоска (дўкон)нинг кўринарли жойида киосканинг очилиш ва ёпилиш вақти, тушлик вақти, дам олиш кунлари тўғрисида ва энг яқин киоска (дўкон)нинг жойлашган жойи тўғрисидаги, «Матбуот тарқатувчи» АК, унинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятлар манзили ва телефони тўғрисидаги маълумотлар бўлган ягона намунадаги тахтача (пешлавҳа) жойлаштирилади.

5.11. Таъмирлаш ёки бошқа сабабларга кўра киоскани ёпилишига фақат «Матбуот тарқатувчи» АК, унинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамият раҳбарининг рухсати билан йўл қўйилади.

Киоска (дўкон)нинг ёпилишидан 5 кун олдин киосканинг ёпилиш муддатлари ва даврий нашрларни сотувчи энг яқин жойлашган киоскалар (дўконлар)нинг манзиллари тўғрисида харидорларни ва обуначиларни хабардор қилувчи махсус эълон осиб қўйилади.

Ёпилиши лозим бўлган киоскадан ёзилган даврий нашрларни олувчи обуначилар билан улар келгусида ёзилган нашрларни оладиган киосканинг рақами ва жойлашган жойи келишилади.

5.12. Маркетинг тадқиқотларини ҳисобга олиб, ҳар бир киоска (дўкон)га қуйидагилар белгиланади ва маълум қилинади:

а) «Матбуот тарқатувчи» АК, унинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятлар томонидан тарқатиш учун қабул қилинган, марказий, вилоят, шаҳар, туман газеталари ва журналларининг рўйхати;

б) газета ва журналларнинг ассортимент минимуми;

с) «Матбуот тарқатувчи» АК, унинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятларнинг бизнес-режасига мувофиқ ойлар ва чорақлар бўйича ажратилган чакана савдо товар айланишининг йиллик прогнози;

д) киоскачи (сотувчи)да майдалаш учун савдодан қолдирилдиган пулларнинг чегараланган суммаси;

5.13. Янги киоскалар (дўконлар)ни жойлаштириш ва очиш чакана савдо тармоғини ривожлантириш режасига мувофиқ ҳамда харидорларга кўпгина қулайликлар яратишни ва савдо нуқталарининг рентабел фаолиятини ҳисобга олиб, «Матбуот тарқатувчи» АК, унинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятлар томонидан маҳаллий ҳокимият билан келишувга кўра амалга оширилади.

5.14. Очиладиган киоскалар (дўконлар)ни ўрнатиш ва савдо қилиш ҳуқуқи учун Савдо департаментидан махсус рухсатнома расмийлаштирилади, унинг ҳақиқий нусхаси «Матбуот тарқатувчи» АКда, унинг шуъба корхоналарида ва унинг таркибига кирувчи жамиятларда, нусхаси эса киоска (дўкон)нинг кўринарли жойида сақланади.

Савдо қилиш ҳуқуқи учун рухсатнома назорат қилувчи органлар ваколатли шахсларининг талаби билан кўрсатилади.

5.15. Киоскалар (дўконлар)нинг хоналари ва уларнинг жиҳозлари техник, ёнғинга қарши, санитария ва эстетик талабларга жавоб бериши керак. Киоскалар (дўконлар) уларнинг фаолияти учун зарур бўлган ускуна ва инвентарлар билан таъминланиши, намунали санитария ҳолатида бўлиши керак.

5.16. Чакана савдони амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар товарларнинг сотиб олинганлиги далилини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлишлари шарт. Сотилдиган товарлар витриналарга қўйилган бўлиши ва нархкўрсаткичлар билан таъминланган бўлиши керак.

5.17. Чакана савдони амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортиш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Қоронғи жойларда жойлашган киоскалар (дўконлар) кечки ва тунги вақтларда навбатчи ёритиш воситасига эга бўлиши керак. Моддий бойликларни сақланишини таъминлаш учун ёруғлик, товуш чиқарувчи мослама ва бошқа техник ҳимоя воситалари ўрнатилади.

Киоска (дўкон)даги товар моддий бойликларини сақлаш учун унинг ичига қурилган сейф ёки металл шкаф билан жиҳозланган бўлиши керак.

5.18. Киоска (дўкон) ва унинг атрофини киоскер (сотувчи) иш вақтида тозалайди.

5.19. Киоскалар (дўконлар) ходимлари, тарқатувчи-агентлар сотилган ададлар бўйича кундалик маркетинг тадқиқотларини ўтказадилар, бу асосида аҳоли талабини ҳисобга олиб даврий нашрларни олиш учун буюртмалар тузадилар. Ушбу савдо нуқтаси учун белгиланган товар айланиш прогнозини бажариш мажбурий шарт ҳисобланади.

Даврий нашрларни чакана савдода тарқатиш учун буюртмалар киоскачи (сотувчи) томонидан бир ойга берилади.

5.20. Янгидан чиқарилган даврий нашрлар киоскачи (сотувчи)нинг талабномаларини ҳисобга олмасдан, «Матбуот тарқатувчи» АК, унинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятлар ва таҳририятлар (нашриётлар) раҳбарияти томонидан белгиланган давр мобайнида харидорлар талабини ўрганиш учун савдо нуқтасига юборилади. Белгиланган вақтнинг тугаши ва ушбу даврий нашрга бўлган харидорлар талаби ўрганилгандан сўнг, даврий нашрларни жўнатиш киоскачи (сотувчи)нинг буюртмасига кўра амалга оширилади.

5.21. Маркетинг тадқиқотларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар ой мобайнида алоҳида ҳар бир газета ва журнал бўйича ададнинг ўсиши ва камайиши ҳисобига ойлик буюртмани ўзгартиришга рухсат берилади. Даврий нашрларга буюртмалар бевосита ушбу савдо нуқтаси қарашли бўлган «Матбуот тарқатувчи» АК, унинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятларга юборилади.

Даврий нашрларни жўнатиш ва буюртмани ўзгартириш қуйидагича амалга оширилади:  
 - газеталарга – ҳар ойнинг 1 санасида;  
 - журналларга – навбатдаги сондан.

Айрим ҳолларда савдо нуқтасига матбуотнинг жўнатилишига «Матбуот тарқатувчи» АК, унинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятлар раҳбарлари ёки уларни ўринбосарларининг ёзма фармойиши бўйича ўзгартиришлар киритиш мумкин.

5.22. Даврий нашрларни олиш ва киоскалар (дўконлар)га элтиб бериш «Матбуот тарқатувчи» АК, унинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятларда тасдиқланган жадвалга мувофиқ амалга оширилади.

5.23. Даврий нашрлар киоскалар (дўконлар)га даврий нашрнинг номи, унинг рақами, миқдори, баҳоси кўрсатилган илова юкхати билан келиб тушади. Юкхатни ёзиш учун киоскачи (сотувчи)нинг даврий нашрларга бўлган буюртмаси асос ҳисобланади.

5.24. Киоскалар (дўконлар)га келиб тушадиган газета ва журналлар, юкхатнинг икки нусхасига имзо қўядиган киоскачилар (сотувчилар) (моддий жавобгар шахслар) томонидан текширилади ва қабул қилинади. Қабул қилишда даврий нашрларнинг номи, миқдори, ҳолати, баҳолари ва суммаларнинг юкхатда кўрсатилганига мос келиши текширилади.

Илова юкхати ва аниқ ҳисоб ўртасида (миқдори ва суммаси бўйича) фарқ бўлган ҳолларда моддий жавобгар шахс аниқ ҳисоб бўйича даврий нашрларни қабул қилади ва илова юкхатида бу тўғрида ёзиб қўяди ҳамда эртаси куни мажбурий тартибда бу тўғрида раҳбариятга хабар беради. Ҳар бир юкхатда киоскачи (сотувчи) томонидан даврий нашрларнинг аниқ қабул қилинган вақти ёзиб қўйилади. Текширувдан кейин юкхатнинг ҳар бир нусхаси имзоланган бўлиши керак.

Баҳоси кўрсатилмасдан ва юкхатга ёзилмасдан келиб тушувчи даврий нашрларни қабул қилиш ва сотиш тақиқланади. Савдо нуқтасининг ходими зудлик билан бу тўғрида ўз раҳбарига хабар беради.

5.25. Штатдаги киоскачилар (сотувчилар)га даврий нашрларни мустақил равишда сотиб олиш ва «Матбуот» савдо нуқтаси орқали сотиш тақиқланган.

5.26. Яроқсиз бўлган ва эстетик товар кўринишига эга бўлмаган даврий нашрлар эртаси куни юкхатга «Яроқсиз» деб ёзилган ҳолда «Матбуот тарқатувчи» АКга, унинг шуъба корхоналарига ва унинг таркибига кирувчи жамиятларига қайтарилиши лозим.

5.27. Савдо нуқтасининг ходими товарларни қабул қилиш вақтида тегишли эълон билан харидорларни бу тўғрида огоҳлантириб, савдони тўхтатади.

5.28. Киоска (дўкон)ни очишдан олдин газета ва журналлар харидорлар томонидан уларни танлаб олиш қулайлиги ҳисобга олинган ҳолда, пештахталарга тартиб билан қўйилиши керак.

Асосий эътибор газета ва журналларнинг навбатдаги сонлари сотувга келиб тушганлиги тўғрисида харидорларни хабардор қилинишига қаратилган бўлиши керак. Газета ва журналларнинг янги сонлари харидорлар шарҳлашлари учун кўринарли жойларга қўйилади.

5.29. Газета ва журналлар юкхатда кўрсатилган чакана савдо нархларида сотилади, нархлар кўрсатилган юкхати харидорлар кўриши учун қулай бўлган жойларга илиб қўйилади ёки даврий нашрнинг бир нусхаси, бир донаси учун баҳоси белгиланган нархкўрсаткич билан таъминланади.

Хусусий тадбиркорнинг буюртмаси асосида берилган нашрларнинг сотилмай қолган қисми қайтариб олинмайди.

5.30. Чакана савдо тармоғига келиб тушган даврий нашрларни сотиш навбат билан нақд пул ҳисобига амалга оширилади. Нақд пул ҳисобига савдо миқдори ва ассортиментини чеклаш тақиқланган. Имтиёзлар берилган уруш қатнашчилари ва ногиронлар ҳамда улар тоифасидаги кишиларга гувоҳномалари бўйича навбатдан ташқари хизмат кўрсатилади.

5.31. Витринадаги ҳар бир газета ва журналларнинг номи чакана баҳо кўрсатилган нархкўрсаткич билан таъминланиши лозимлигига қарамай, киоскалар (дўконлар)нинг ходимларига даврий нашрларни қабул қилиб олганларидан кейин, харидорларга хизмат

кўрсатишни тезлаштириш учун келиб тушган даврий нашрларнинг номлари ва чакана баҳолари кўрсатилган юкхатни кўринарли жойга осиб қўйиб, савдони бошлашга рухсат берилади.

5.32. Харидорларни ҳисобда алдагани, оширилган баҳолар бўйича даврий нашрларни сотгани, шунингдек сифатсиз ва товар кўринишини йўқотган газета ва журналларни сотгани учун айбдорлар амалдаги қонун ҳужжатларига кўра жавобгарликка тортиладилар.

5.33. Чакана савдо тармоғидан сотиб олинган даврий нашрларнинг ёпиқ матбаа нуқсонлари аниқланган ҳолларда, жойида алмаштириш ёки харидорга пулини қайтариб бериш лозим.

Матбаа нуқсонлар аниқланганда ва 24 соат мобайнида шикоят тақдим этилган ҳолларда, харидорнинг пулларини қайтариб берилиши «Матбуот тарқатувчи» АК, унинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятлар раҳбарларининг рухсати билан амалга оширилади.

5.34. Киоскалар (дўконлар) ходимларига қўйидагилар тақиқланади:

а) харидорлар томонидан олинган даврий нашрларни қолдириш ва сақлаш;

б) харидорнинг розилигисиз берилиши лозим бўлган қайтим ўрнига бошқа қўшимча товарлар бериш;

с) нақд пулга сотилган даврий нашрларнинг ҳисоб варақлари ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатларни аҳоли ва корхоналарга бериш.

5.35. Киоскалар (дўконлар)нинг ходимлари пештахтада бўлган даврий нашрларни сотишда, харидорларга эркин танлаш имкониятини тақдим этади .

5.36. Киоскалар (дўконлар)нинг ходимлари ҳар куни, иш куни якунида кирим–чиқим ҳужжатлари асосида товар ҳисоботини тўлдирадилар ва ҳар куни белгиланган вақтда савдо тушумининг умумий суммасини «Матбуот тарқатувчи» АКга, унинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятларга топширадилар.

Савдо тушуми киоскачи (сотувчи) томонидан инкассаторга ёки зиммасига инкассатор вазифаси юклатилган моддий жавобгар шахсга топширилади. Бунда улар Касса дафтарига ёзиб қўядилар.

Савдо тушумини топшириш тартиби ва тунда киоскалар (дўконлар)нинг сейфида қолдиришга рухсат этилган майда пулларнинг чегараланган суммаси «Матбуот тарқатувчи» АК, унинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамият раҳбарининг буйруғи билан белгиланади.

Киоскачи (сотувчи)га барча савдо тушумини тунда киоскада (дўконда) қолдириши, уни уйига олиб кетиши, тегишли юкхатсиз даврий нашрларни қабул қилиши ва сақлаши, шунингдек шахсий пуллар ва буюмларни сақлаши қатъиян тақиқланади.

5.37. Ой якунида киоскачи (сотувчи) «Сотилмаган газеталар тўғрисидаги маълумот» шаклини тўлдиради ва «Матбуот тарқатувчи» АКга, унинг шуъба корхоналарига ва унинг таркибига кирувчи жамиятларга юборади.

Яроқсиз топилган ва товар кўринишини йўқотган китоблар, брошюралар ва халқ истеъмоли моллари киоскачи (сотувчи) томонидан «Матбуот тарқатувчи» АК, унинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятларнинг омборхонасига киоскалар (дўконлар)дан ҳар ойнинг олтинчи кунидан кечикмасдан топширилиши керак:

а) ҳар хил даврийликдаги газеталар – ўтган ой учун барча сотилмаган сонлари;

б) журналлар – уларнинг босмадан чиққан кунидан бошлаб, икки ой ўтгандан кейин (январ сони – мартда, феврал сони – апрелда ва ҳ.к.);

с) комиссия шартларида қабул қилинган халқ истеъмоли моллари – сотиш муддати тугаганлиги учун.

5.38. Ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган даврий нашрлар «Матбуот тарқатувчи» АК, унинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятларда қайта ҳисобланади ва икки нусхада тузиладиган юкхат-рўйхатига ёзилади, сараланади, тасдиқланган юкхат-рўйхатлари иловаси билан ўровланган ҳолда омборга топширилади.

Ҳар ой «Матбуот тарқатувчи» АК, унинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятлар таҳририят (нашриёт)га сотилмаган тиражлар тўғрисида маълумот бериб боради.

Қайтариб топшириш учун белгиланган муддати ўтиб кетган эскирган даврий нашрлар, нархини камайтириш ва ҳисобдан чиқариш учун қабул қилинмайди, уларнинг нархи муддатни ўтказиб юборганликда айбдор бўлган шахслардан ундирилади.



Даврий нашрлар ҳақиқатда келиб тушган миқдоридан ортиқча топширилганда, шунингдек сотувга келиб тушмаган нашрлар қайтариб топширилган ҳолларда, бунда айбдор бўлган шахслар тўғрисидаги ҳужжатлар тергов органларига топширилади.

5.39. Киоскалар (дўконлар) ходимлари фойдаланиладиган мулкларни сақлаш ва эҳтиёт қилиш учун жавоб бериши керак.

Иш куни якунида ходимлар қуйидагиларга мажбурдирлар:

а) киоскалар (дўконлар) пештахтасидан даврий нашрларни йиғиштириб олиш ва метал (сейф) шкафларида сақлаш;

б) навбатчи чирокни ёқиши, ёруғлик, товуш чиқарувчи мосламани ва бошқа техник химоя воситаларини ишга тушириш;

с) электр ёритиш тизимлари ва ёнғинга қарши ускуна воситалари ҳолатини текшириши, иситиш асбобларини ўчириш, киоска (дўкон) хоналарини қулфларини, шунингдек назорат қулфларини қулфлаш;

д) киоскалар (дўконлар)га шикаст етганлиги (қулфлар бузилгани, витрина, ойналар сингани) аниқланган ҳолларда киоскачи (сотувчи) зудлик билан бу ҳақида ички ишлар органларига, савдо нуқтаси қарашли бўлган «Матбуот тарқатувчи» АКга, унинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятларга хабар беради. Киоскачи (сотувчи) фақат инвентаризация ўтказилганидан кейин ишга тушиши мумкин.

5.40. Ҳар бир савдо нуқтасида «Текширув назорат дафтари», «Шикоят ва таклифлар китоби» (китоб рақамланган, тикилган, раҳбар имзоси ва муҳр билан тасдиқланган) бўлиши керак. Шикоят ва таклифлар китоби харидорлар учун кўринарли жойда бўлиши керак. Киоскалар (дўконлар) ходимлари шикоят ва таклифлар китобини харидорнинг биринчи илтимосига кўра бериши керак. Шикоят ва таклифлар китобига ёзилган ёзувлар тўғрисида савдо нуқтасининг ходими «Матбуот тарқатувчи» АКга, унинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятлар раҳбариятига зудлик билан (24 соат мобайнида) хабар бериши лозим.

5.41. Чакана савдо тармоғида харидорларга хизмат кўрсатиш бўйича ишларнинг сифати учун кундалик назоратни тармоқ тегишли бўлган «Матбуот тарқатувчи» АКнинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятлар, «Матбуот тарқатувчи» АК ёки унинг ваколатли органи, шунингдек текшириш ўтказиш ваколатига эга бўлган органлар амалга оширади. Даврий нашрларни тарқатиш сифатини ва савдо нуқтасининг иш режимига риоя қилиши учун кундалик текширувни «Матбуот тарқатувчи» АК, унинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятларнинг назорат қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномага эга бўлган шахслар (чакана савдони ташкил этувчи)га руҳсат этилади. Киоскалар (дўконлар)ни текшириш, «Матбуот тарқатувчи» АКнинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятларнинг, текширувчи ходимларга ҳамкорлик кўрсатиши ва текширувда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриши керак бўлган, ушбу киоска (дўкон)нинг иши учун жавоб берувчи ходими иштирокида амалга оширилади. Текширув натижалари Текширув назорат дафтарида ёзилади ёки далолатнома тузилади, киоскачи (сотувчи) ва назорат қилувчи шахс томонидан имзоланади.

5.42. Текширув ўтказиш ҳуқуқи берилган бошқа органлар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ «Матбуот тарқатувчи» АКда, унинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятларида, шунингдек савдо тармоқларида фақат текширув назорат дафтарида ёзгандан кейин текширувни амалга оширадilar. Текширув давомида аниқланган барча камчиликлар, назорат қилувчи шахс ёки «Матбуот тарқатувчи» АК, унинг шуъба корхонаси ва унинг таркибига кирувчи жамият раҳбари томонидан белгиланган муддат ичида бартараф қилиниши керак.

Киоскалар (дўконлар)да товарларни режали инвентаризацияси, киоскачи (сотувчи)нинг навбатдаги таътилга чиқиши ёки ишдан бўшатилиши муносабати билан моддий бойликларни далолатнома бўйича бошқа шахсга топширганлигини ҳисобга олмасдан, бир йилда камида икки марта амалга оширилади.

Киоскалар (дўконлар)нинг тегишли иш сифатини тезкор назорат қилиш, киоскалар (дўконлар)нинг гуруҳлари бўйича бириктирилган «Матбуот тарқатувчи» АК, унинг шуъба корхонаси ва унинг таркибига кирувчи жамиятнинг маъсул ходимига юклатилади. Маъсул ходим (чакана савдони ташкил этувчи) бир ойда камида бир марта ҳар бир киоска (дўкон)да тезкор назоратни амалга оширади. Текширув натижалари Текширув назорат дафтарида ёзилади.

5.43. Киоскалар (дўконлар)нинг штат ходими қуйидагиларни амалга ошириши мумкин:

- савдо нуктасининг товар айланиш прогнозини (бизнес - режасини) ишлаб чиқишда қатнашиши;
  - товарнинг ишлаб чиқаришдаги нуқсони аниқланганда газета ва журналларни қайтариб юбориши;
  - киоскалар (дўконлар)ни текшириш учун махсус ваколатга ёки рухсатномага эга бўлмаган шахсларга рухсат бермаслиги, бундай шахслар томонидан текширувларни ўтказиш ёки қайд қилиш тартиби бузилганлиги тўғрисида «Матбуот тарқатувчи» АКга, унинг шуъба корхонаси ва унинг таркибига кирувчи жамиятга хабар қилиши;
  - киоскалар (дўконлар)ни капитал ёки жорий таъмирлаш ишларини ўтказиш, жиҳозлар ва ускуналарни алмаштиришни талаб қилиши.
- 5.44. Киоскалар (дўконлар)нинг Ижарачилари қуйидагиларга мажбур:
- товарнинг ишлаб чиқаришдаги нуқсони аниқланганда газета ва журналларни қайтариб юбориш;
  - киоскалар (дўконлар)ни текшириш учун махсус ваколатга ёки рухсатномага эга бўлмаган шахсларга рухсат бермаслик, бундай шахслар томонидан текширувларни ўтказиш ёки қайд қилиш тартиби бузилганлиги тўғрисида адлия органларига хабар қилиш;
  - ижара шартномасига мувофиқ киоска (дўкон)ни жорий таъмирлаш, бўйлаш ишларини ўтказиш.
- 5.45. Киоскалар (дўконлар) ходимлари қуйидагиларга мажбур:
- аҳолига юқори даражада маданиятли хизмат кўрсатишни таъминлаш;
  - даврий нашрларга бўлган талабни ўрганиш (маркетинг тадқиқотлари ва мониторинг);
  - асосий воситалар ва товар-моддий бойликларини сақланишини таъминлаш;
  - газета ва журналларни тўлиқ сотилишига эришиш;
  - сотувда мавжуд бўлган даврий нашрларнинг ассортименти тўғрисида харидорларни хабардор қилиш;
  - сотувдаги даврий нашрлар сифатининг пасайишига ва унинг бузилишига йўл қўймаслик;
  - даврий нашрлар ва товарлар сотилишининг самарали шаклларини қўллаш (киоска (дўкон) ташқарисидаги ишлар);
  - белгиланган чакана баҳоларга қатъий риоя қилиш;
  - даврий нашрларни сотишдан тушган савдо тушумини ҳар куни ва тўлиқ топшириш;
  - «Матбуот тарқатувчи» АК, унинг шуъба корхоналари ва унинг таркибига кирувчи жамиятларига белгиланган ҳисоботни тўғри расмийлаштириш ва ўз вақтида тақдим этиш;
  - меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин ҳавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш;
  - ички меҳнат тартиби қоидаларининг, ушбу қоидаларнинг талабларини билиш ва бажариш;
  - келиб тушувчи даврий нашрларни нусхалар бўйича санаш, юкхатларга имзо қўйиш;
  - чакана савдо тармоғи иш тартибига риоя қилиш.
- 5.46. Чакана савдо тармоғи ишларини ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мос келиши керак.

УЎТ

Ўз УТ 03.220.60

Асосий сўзлар: даврий нашрлар, киоскачи, тарқатиш, тарқатувчи, обуна баҳоси, чакана баҳо.

Фан-техника ва маркетинг  
тадқиқотлари марказида  
таржима қилинди

Директорнинг ўринбосари

З. Ғиёсов

Таржималар бўлимининг  
1- тоифали таржимони

Б. Ғанибоев